Узбекистон Республикаси
Фарғона вилояти
Кукон шахар

Кукон шахар, Шалдирамок кучаси
4/29,Тел : (8373)542-70-81
х/р 20208000904677770001
«Алокабанк» Кукон булими, МФО
01092,
СТИР 206948598, ХХТУТ 84400

Elite Invest
Renome Audit
Mas`uliyati cheklangan
jamiyati

O`zbekiston Respublikasi
Farg`ona viloyati
Qo`qon shahar

Qo`qon shahar, Shaldiramoq ko`chasi
4/29, Tel: (8373)542-70-81
x/r 20208000904677770001
"Aloqabank" Qo`qon bo`limi,MFO
01092,
STIR 206948598, XXTUT 84400

«25» февраль 2020 й.

№ 02 F

ИЖОБИЙ АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ

«Кува Дон махсулотлари» акциядорлик жамияти рахбарятига.

Масъулияти чекланган жамият шаклидаги МЧЖ «ELITE INVEST RENOME AUDIT » АТ»аудиторлик ташкилоти (Кукон шахар, Шалдирамок кучаси 4/29, тел: 542-70-81, х/р 20208000904677770001 Кукон Алока банк, МФО 01092, СТИР 206948598, ХХТУТ 84400

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2019 йил 05 апрелдаги №00785 сонли Аудиторлик фаолиятини амалга ошириш учун Лицензияси хамда Адлия Вазирлиги томонидан 31.01.2008 йилда № 368 – реестр билан руйхатга олинган гувохнома) АУДИТОРИ **О. Сулаймонов** томонидан (*Аудитор малака сертификати № 05364 16.01.2016 йилда Молия Вазирлиги томониданберилган*) хўжалик юритувчи субъект **«Кува Дон махсулотлари» акциядорлик жамияти** томонидан тақдим этилган молиявий хисоботнинг"Бухгалтерия баланси Ф-1, Молиявий натижалар Ф-2, шаклларидан иборат 2019 йил 01 январидан-2019 йил 31 декабрь холатидаги молиявий хисоботнинг ишончлилигини мажбурий тарздаги аудиторлик текширувидан ўтказдим.

Хужалик юритувчи субъект раҳбариятининг жавобгарлиги

Хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги, ҳамда ички назорат тизими учун жавобгардир.

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий ҳисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат.

Мен **«Кува Дон махсулотлари» акциядорлик жамияти** томониданилова қилинган молиявий ҳисоботини аудиторлик текширувидан ўтказдим. Аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборотлар барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги ва ҳаққонийлигини баҳолашдан иборат.

Менаудиторлик текширувини Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларига мувофиқ ўтказдим. Ушбу стандартлар молиявий ҳисобот жиддий бузиб курсатишларга эга эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга бўлишни таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришни ва ўтказишни тақозо этади.

Аудиторлик текшируви аудиторлик далилларини олишга йўналтирилган аудиторлик амалларини ўтказишни ўз ичига олади. Аудиторлик амалларини танлаш менинг мулоҳазамнинг предмети ҳисобланади.

Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий ҳисобот ишончлилиги тўғрисида фикр билдириш учун етарлича асослар беради деб ҳисоблайман.

Ижобий фикр

Менинг фикримча хўжалик юритувчи субъект **«Кува Дон махсулотлари» акциядорлик жамиятининг 2019 йил 31 декабрь** ҳолатидаги молиявий ҳисоботи барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий ҳолатини ва молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини ҳаққоний акс эттиради ва бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ келади.

Масъулияти чекланган жамият шаклидаги
«ELITE INVEST RENOME AUDIT » АТ
аудиторлик ташкилоти
директори: **О. Сулаймонов**